



НОСИРИДДИН ТУСИЙНИНГ ФАЛСАФИЙ АСАРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ.

Н.М.Қўшшаева

доценти

У.Ч.Расулов

БухДУ з-курс талабаси

Бухоро давлат университети

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8004635>

Аннотация: Ушбу мақола Носириддин Тусийнинг фалсафага доир асарлари тахлили ва у асарларнинг ўзига хос жиҳатлари ҳаққида ёритилган.

Калит сўзлар: фалсафа, илм, колом илми, ислом фалсафаси, мутафаккир,устоз.

Илм дунёсида Мароға расадхонасининг асосчиси сифатида “аллома”, “муҳаррир”, “ҳаким”, “ҳожа”, “устоз”, “охирги файласуф”, “асринг ягонаси”, “қомусий аллома”, “инсонларни ўргатувчиси” деган фахрли номлар билан танилган Абу Жаъфар Муҳаммад ибн муҳаммад ибн ҳасан Носириддин Тусий ўзининг ҳаёти ва фаолияти билан фалсафа тарихида ўз ўрнига эга буюк донишманд ва энциклопедик олим сифатида ислом фалсафаси ривожида унутилмас ва абадий из қолдирган.

Носириддин Тусийнинг фалсафий қарашлари бир қатор асарларда ўз ифодасини топган. Мутафаккирнинг асосан фалсафий мазмундаги асарлари қаторига қуйидаги асарлар киради: “Тажрид ал-Ақоид” (Қарашлар (ёки тасаввур) ҳақида асар), “Тадриж ал-Калом” (Илоҳиёт ва метафизика ҳақида асар), “Асос ал-Иқтибос” (Илм эгаллашнинг асослари), “Шарҳи ишорот” (Ибн Синонинг “кўрсатмалар китобига” шарҳ), “Маъқулоти ашрӣ” (Ўн категория ҳақида), “Рисола жабр ва ихтиёр” (Мажбурлаш ва ирода эркинлиги ҳақида рисола), “Насиҳатнома” (Кўрсатмалар китоби), “Авсоф ул-Ашраф” (Шарофатли инсонларнинг сифатлари), “Муҳокамат байн ал-Муҳокаматайн” (Фикрлар ҳақида муҳокама).

Шуни таъкидлаш керакки, Носириддин Тусийнинг фалсафий қарашлари умуман тадқиқ этилмаган. Бу ҳақда мутафаккир асарларининг ийғувчиси бўлмиш, Эронлик олим Резавий Таги шундай ёзади: “Носириддин Тусийнинг фалсафий, ижтимоий сиёсий қарашлари масаласи мураккаб муаммо бўлиб, унинг муҳокамасига киришиш узоқ вақт ва



мутафаккирнинг қўплаб асарларда ўз ифодасини топган ғояларни чуқур тадқиқ этишни талаб қиласди”.

Таъкидлаш лозимки Носириддин Тусийнинг фалсафий қарашлари умуман ўрганилмаган. Қадимги юон мутафаккири Арасту ва унинг издоши Бухоролик қомусий олим Абу Али Ибн Сино Носириддин Тусий учун фалсафа оламида кўзга кўринган олимлар бўлишган. Тусий ўзининг бир қатор асарларида бу мутафаккирларнинг ишларини тилга олади ва уларнинг фалсафий ғоялар ривожидаги хизматларини тан олади. Гарчи у бу файласуфлар назариясининг пассив издоши ва оддий шарҳловчиси бўлмасада, ўз асарларида ўзидан олдинги олимларнинг қўплаб илғор фалсафий фикрларини, жумладан, Арасту ва Ибн Синонинг баъзи фалсафий ғояларини ривожлантирган асл мутафаккирдир. Бундан ташқари, баъзи тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, “Тусий Ибн синони ортда қолдиришга интилган зўр олим даражасига кўтарилган”.

Тусий ўзидан олдин ўтган олимларнинг фикрига қўшилган ҳолда, фалсафани барча мавжуд нарсалар ҳақидаги билимларни қамраб оловчи фан сифатида белгилайди. У фалсафани предметини белгилаб ёзади: “Хикмат дар урфи аҳли маърифат иборат аст аз доистани чизҳо чуноне ки бошад ва қиём намудан ба корҳо чунон ки бояд ба қадри истетоат то нафси инсоний дар асли вужуди худ бо гумонеке мутаваччеҳи он аст, бирасад”. Муҳаммад Назарович Болтаевнинг хулосаларига кўра, ушбу таърифнинг биринчи қисми мақбулдир, чунки у ҳақиқатнинг ўзида мавжуд бўлган обеъктлар дунёсини билиш деган тўғри фикрни ифодалайди. Ушбу таърифнинг иккинчи қисми Франсуз файласуфи Рене Декарднинг машҳур тезисига ўхшаш: “Мен ўйлайман, демак мен борман”.

Фалсафанинг назарий ва амалий фаолиятдан иборат бўлганини тушунган Тусий бу илм соҳасини аввало назарий ва амалий қисмларга ажратади. Аслида бундай бир таснифотнинг онтологик асослари бор. Балки, фалсафани бутун борлиқлар моҳиятларини очиб берадиган илм бўлганини тушунган Тусий бу илмни борлиқ қисмларига мувофиқ ҳолда тасниф этади. Назарий фалсафа асос ўлароқ метафизика, риёзат ва табиат илмларидан иборатдир. Бу ерда ҳар бир илм соҳасининг олдида бир нечта илм қисмлари мавжуддир. Илоҳиёт ва фалсафа илмлари метафизика илмининг асосларини ташкил этган илм соҳаларидир.

Кўриб турганимиздек, Носириддин Тусий берган фанлар таснифи Аристотель ва Ибн Сино фанлар таснифига яқин. Тусийнинг салафи Мискавейх ҳам шундай таснифга амал қиласган. Файласуф Тусийн ҳатто



“Ақсам ул-Хикмат” (Фалсафанинг соҳалари) номли рисоласида метафизикани Ибн Синонинг “Ақсам ал-улум ал-ақлиййа” номли асарининг таъсирида қолиб, “Илоҳий илм” деб номлаши аҳамиятлидир. Чунки, бу илм соҳасида Тусий Аллоҳнинг борлиғи ва бирлигининг исботи, маънавий субстанцияларнинг исботи, мумкин борлиқлар системаси ва уларнинг мутлақ борлиққа (Аллоҳга) нисбати ва бошқа мавзуларни муҳокамса объектига айлантиради.

Тусийнинг метафизика илмига доир таснифини унинг фалсафий каломга доир асосий асари ҳисобланган “Тажрид ал-эътиқод” номли асарида кўриш мумкин. Амалий фалсафага келганда Тусий фалсафанинг бу соҳасида ахлоқ тарбияси, оила ва сиёsat фалсафаси каби қисмларга ажратади. Унинг бу уч соҳа билан алоқадор фалсафий қарашлари ўз аксини “Ахлоқи Носирий”да топган.

Ислом фалсафа анъанасида музокара мавзуларидан бири бўлган неоплатонизмга асосланган судур ёки космик ақллар назарияси (эмансация) Тусий тарафидан ҳам коинот яратилишининг вужудга келиш жараёни каби музокара объектига айлантирилган. Лекин Тусийнинг бу назарияга баъзи асарларида шубҳа билан қарагани, баъзиларида эса бу назарияни қабул этмаганини кўриш мумкин. “Тажрид ал-эътиқод” номли асарида бу назарияга шубҳа билан қараган файласуф “Фусус” номли ислом каломига доир ёзган бошқа бир асарида судур назариясини тамомила рад этади.

Аристотелдан фарқли ўлароқ, Тусий материяни зарурат, лекин имконнинг шакли дейди. Табиий жисмларнинг мавжудлигида материя ҳар доим рамкага эга, у ҳар доим қандайдир шаклга эга. Материя мавжуд асос сифатида, ҳар қандай нарсани йўналтиришнинг бошланиши. Инсон ўз ҳаракати билан материядан бир шаклни олиб, унга бошқа шаклни бериши мумкин. Масалан кулол лойдан идиш ясади. Бу ерда лой материя, у пойдевор, ўзига хос қозон шакл. Лекин кулол лойга бошқа турдаги қозонни бериши мумкин, лекин бошқасини ёки лойга қозоннинг кўринишини эмас, балки коса кўринишини бериши мумкин. Буларнинг барчаси билан лой, мум, мармар ва бошқа моддалар нарсаларнинг асоси сифатида мустақил мавжудликка эга. Улар мумкин вақтида мавжуд бўлиши мумкин. Моддий нарса, материя шаклдан устунликка эга. Шаклдан олдинги материянинг афзалликлари ҳар қандай салбий ҳодисалардан олдин моҳиятнинг афзалликлари билан бир хил. Материясиз шакл ҳеч нарса эмас, материя туфайли у бирор нарсага айланади.



Мутафаккир субстанцияни зарурдеб белгилаб, унинг абадий эканлигини кўрсатиш билан чегараланади, яъни бўлган, бор ва бўлади сўзлари билан характерланади. Аллома эътирофига кўра, қайси иш ёки ҳаракат яхши, қайси бири ёмон эканлигини фақат инсон ақлигина аниқлай олади.

Файласуф олим Мухаммад Назарович Болтаев ўзининг йирик монографик тадқиқотида Тусийни Умар Ҳайём изидан бориб, маълум диний ғояларга қарши тўртликлар ёзган деб кўрсатади. Тусий буюк инсонпарвар эди, чунки – инсон қадр-қиммати ва ердаги ўрнини ҳимоя қиласиди.

Тусийнинг фикрича, саодат уч хил бўлади: Рух баҳти, тан баҳти, жамоат саодати. Агар инсон ўз хохишига кўра меҳрибон бўлса ва катта билимга эга бўлса, у чин дилдан баҳтли одамдир. Аммо инсон руҳи тананинг жисмоний саломатлиги ҳолатига боғлиқ. Соғлом танада соғлом ақл бўлади, дей таъкидлайди мутафаккир. Демак, жисмоний жиҳатдан, жисмонан соғлом танага эга бўлган киши баҳтлидир. Ҳиссий баҳт ҳақиқий билим ва маънавий-ахлоқий тарбия натижасида эришилади. Эзгулик ва саодат хислатларига эга бўлган киши комил ҳисобланади. Ахлоқ одамларнинг хулқ-атворида намоён бўладиган руҳий сифат сифатида ўзгармас эмас.

Носириддин Тусий қаламига мансуб асарлар тадқиқотчилар орасида турлича талқин қилинади. Алломанинг форс ва қисман араб тилида ёзилган асарларининг сонини Озарбайжон олими Агабала Рзаев ўзининг йирик ҳажмли “Носириддин Тусий” номли монографик тадқиқотида 206 та деб кўрсатади. Булардан 14 таси ҳақида қисқача маълумот беради. Турли хил манбаларда Тусий ҳақида берилган маълумотларнинг ранг – баранглиги унинг илмий дунёқараши кенг бўлганлигини тасдиқлайди.

Кенг илмий – фалсафий идрокка эга бўлган мутафаккир барча илм соҳалари билан яқиндан таниш бўлган шахсадир. Унинг асарларини немис шарқшуноси Карл Броккельман 10 та гурӯҳга бўлади. Улар фиқҳ, калом, фалсафа, риёзиёт, астрономия, табобат, минерология, мусиқа.

Тусий перепатетик фалсафа мактаби вакилларига ҳаммаслак қарашдаги олим бўлганлиги учун унинг илмий дунёқараши тадрижатида нафақат Шарқ, балки қадимги юонон тафаккур тарзининг ҳам таъсири яққол сезилиб туради ва ўзининг илмий фаолиятида ушбу буюк олимларни ўзига ўрнак деб билган.



Хулоса ўрнида шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Носириддин Тусий ижтимоий соҳа, мусиқашунослик, минерология ва тиббиёт ҳақида бир қанча асарлар яратган қомусий, энциклопедик алломадир. У ҳар доим очиқ дунёқарашга, теран илм ва тафаккурга эга шахсиятдир. Носириддин Тусий дунёқарашига кўра, илмий билимлар инсонларни баҳтли этиш учун олиб борувчи йўлдир. Бу даражага эришиш учун инсонлар кенг ва теран илмий яратувчанликка эга бўлиши лозим. Тусийни ўзи бу соҳада барчага намуна ҳисобланган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бахтиёр Ҳусайн Сиддиқ. Носириддин Тусий. Таржимон: Қосим Турхон. Ислом тушунча тарихи (Муҳаррир М.М.Шариф). Т.2. Истамбул: 1990.
2. Рзаев А. Насирэddин Туси. Баку: Элм, 1863.
3. Воспитание и обучение с точки зрения мусульманских мыслителей Том 2 Москва: Фонд исследований исламской культуры, 2018.
4. Н.М.Кўшшаева. Носириддин Тусий маънавий – ахлоқий таълимотининг ёшлар тарбиясидаги аҳамияти. Монография. Н.М.Кўшшаева. – Т.: “Lesson Press” нашриёти, 2023 й.
5. Nafisa, Q. (2019). The socio-political situation and the spiritual environment impacting on the formation of the weltanschauung of the Nasiruddin Tusi. Indonesian Journal of Innovation Studies, 8.
6. Mansurovna, Q. N. (2021). The problem of etiquette of receiving knowledge and perfection in works of Nasiruddin Tusi, its significance in the upbringing of youth. Central Asian Journal of social sciences and history, 2(2), 60-64.
7. Mansurovna, Q. N. (2020). Moral issues in Nasiruddin Tusi’s teaching and his attitude to sufism. Journal of Critical Reviews, 7(4), 7-9.
8. Nafisa, K. M. (2020). Philosophical outlook of Nasir Tusiy. American journal of social and humanitarian research, 1(1), 59-61.
9. Mansurovna, Q. S. N. (2022). NOSIRIDDIN TUSIYNI TADQIQ ETGAN BUXOROLIK OLIM. IJTIMOIY FANLARDA INNOVASIYA ONLAYN ILMIY JURNALI, 2(1), 217-221.
10. Mansurovna, K. N. (2021). The Concept of Justice in the Teachings of Nosiriddin Tusi and its Philosophical-Ethical Interpretation. In Interdisciplinary Conference of Young Scholars in Social Sciences (pp. 146-148).
11. Sobirovich, T. B. (2023). Manifestations of Moral Threats in the Ideosphere of Uzbekistan and Their Prevention Strategy. Asian Journal of Basic Science & Research, 5(1), 103-108.



12. Sobirovich, T. B. (2023). Basic Criteria for Building the Third Renaissance in Uzbekistan. *Asian Journal of Applied Science and Technology (AJAST)*, 7(1), 149-157.
13. Sobirovich T. B. National Revival and Development Idiosphere of Uzbekistan. – 2023.
14. Sobirovich, T. B. (2023). MANIFESTATION OF CIVIL SOCIETY IN THE IDEOSPHERE OF UZBEKISTAN. *Innovative Society: Problems, Analysis and Development Prospects*, 89-92.
15. Sobirovich, T. B., & Norman, Z. D. M. (2023). Harmony of National and Universal Values in Uzbekistan. *Harmony*, 7(1), 08-16.
16. Turdiyev, B. S. (2022). INTERPRETATION OF UNIVERSAL VALUES IN ZOROASTRIANISM. *INNOVATIVE DEVELOPMENT IN THE GLOBAL SCIENCE*, 1(7), 109-114. Sobirovich, T. B. Interethnic Harmony And Religious Tolerance- An Integral Part of The Ancient Traditions Of The Uzbeks.
17. Sobirovich T. B. National and universal principles of democracy //Asian Journal of Research in Social Sciences and Humanities. – 2022. – T. 12. – №. 1. – C. 334-338.
18. Sobirovich T. B. The implementation of human indicator reforms in Uzbekistan //Asian Journal of Multidimensional Research. – 2021. – T. 10. – №. 9. – C. 197-202.
19. Sobirovich T. B. Issues of gender equality in uzbekistan: Strategy of reforms //Asian Journal of Multidimensional Research. – 2021. – T. 10. – №. 9. – C. 203-207.
20. Sobirovich T. B. National Principles of Democracy in Uzbekistan //Mediterranean Journal of Basic and Applied Sciences (MJBAS). – 2021. – T. 5. – №. 3. – C. 131-135.
21. Sobirovich T. B. Philosophical Dialectics of National and Universal Cultural Development //Irish Interdisciplinary Journal of Science & Research (IIJSR). – 2021.
22. Turdiyev B. S. The role of national harmony in the strategy of spiritual renewal //Scientific Bulletin of Namangan State University. – 2019. – T. 1. – №. 6. – C. 229-233.
23. Sobirovich T. B. Strategy of Renewal of National Spirituality of Uzbekistan //International Journal on Integrated Education. – 2020. – T. 3. – №. 8. – C. 122-126.